

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНДИАМИНОВА ГУЛРУХ НУРИДДИНОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛАРДА COVID-19 НИНГ ОНА-ЙЎЛДОШ-ҲОМИЛА
ТИЗИМИДАГИ ГЕМОДИНАМИКАНИНГ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Индиаминова Гулрух Нуриддиновна

Ҳомиладорларда COVID-19 нинг

она-йўлдош-ҳомила тизимидаги

гемодинамиканинг ҳолатига таъсири..... 3

Индиаминова Гулрух Нуриддиновна

Влияние COVID-19 на состояние

гемодинамики в системе мать-плацента-плод

у беременных..... 31

Indiaminova Gulrukh Nuriddinovna

Impact of COVID-19 on the state of

hemodynamics in the mother-placenta-fetus system

in pregnant women..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНДИАМИНОВА ГУЛРУХ НУРИДДИНОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛАРДА COVID-19 НИНГ ОНА-ЙЎЛДОШ-ҲОМИЛА
ТИЗИМИДАГИ ГЕМОДИНАМИКАНИНГ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.4.PhD/Tib2203 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.sammu.uz ва «Зиёнет» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агабабян Лариса Рубеновна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Нажмуддинова Дилбар Камариддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Негмаджанов Боходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.Н. Бурденко номидаги Воронеж давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб миллионлаб инсонларга, шу жумладан ҳомиладор аёлларга таъсир қилган глобал муаммога айланди. 64 000 ҳомиладор аёлни қамраб олган 192 та тадқиқот натижаларини бирлаштирган халқаро мета-анализ маълумотларига кўра, «...SARS-CoV-2 ёки COVID-19да пневмония билан касалланиш 7,4%, ўткир респиратор дистресс синдроми 13,4%; реанимация бўлимига ётқизилганлар - 3,3%, шундан ЎСВ - 1,6% ва ўлим кўрсаткичини 0,8% ташкил этилганлиги аниқланди...»¹ Айни пайтда бутун инсониятдан фарқли равишда ҳомиладор аёллар ноёб «иммунологик» ҳолат сифатида ва ҳомиладорлик даврида барча орган ва тизимлар фаолиятининг ўзгариши билан ажралиб турадиган алоҳида гуруҳни ташкил этиб, вирусли инфекцияларга нисбатан юқори сезувчанлиги сабабли COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда она-йўлдош-ҳомила тизимининг функционал ҳолатини ўрганиш замонавий тиббиёт амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 нинг ҳомиладор аёллар ва ҳомила ҳолатига таъсирини ўрганишга, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни эрта ташхислаш, энг мақбул даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳомиладор аёлларда она-йўлдош-ҳомила тизимидаги гемодинамикани, ҳомиладорларликнинг I, II ва III триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда фето-плацентар тизимнинг қон томирлари фаолиятини, томирлар эндотелийси ҳолатини, гемостаз тизимини ва йўлдош морфологиясини ўрганиш натижасида ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

¹ Liu H, Liu F, Li J, et al. Clinical and CT imaging features of the COVID-19 pneumonia: Focus on pregnant women and children. J Infect. 2021.

касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда, COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечиши ва асоратлар ривожланишини, она-йўлдош-ҳомила тизими қон томирлар ҳолатини, қоннинг гемостаз тизимида бузилишларни аниқлаш натижасида эрта ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш орқали ривожланмаган ҳомиладорлик ва ҳомиланинг антенатал ўлими каби асоратларни олдини олиш ва оналар ўлими кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларида ҳамда бугунги кунга қадар глобал миқёсда олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, вирусли касалликларнинг онадан ҳомилага юқиши (herpes вируси бундан мустасно) одатда гематоген йўл билан амалга ошади, бунда она қонида айланиб юрган вирус йўлдошга ўтади, ундан кейин эса ҳомилани зарарлайди. COVID-19 инфекциясининг вертикал йўл билан онадан ҳомилага берилиши бугунги кунга қадар ўз исботини топмади (Alzamora M.C. et al., 2020). S. Khan ва ҳаммуаллифлар (2020) ўз изланишларида SARS-CoV-2 вируси билан зарарланган онадан туғилган чақалоқлардан 2 нафарида неонатал пневмония аниқланганлигини, туғруқдан кейин 24 соат мобайнида чақалоқлар ҳалқумидан олинган суртмада SARS-CoV-2 коронавируси аниқланганлигини келтиришган. Аммо уларда ҳомила йўлдоши, қоғоноқ сувлари, киндик тизимчасидан олинган қон коронавирусга текширилмаган (Khan S. et al., 2020).

SARS-CoV-2 вирусининг инсон организмига таъсирини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу вирус айнан қон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» фармони.

томирларга таъсир этиб, кўплаб орган ва тизимларда васкулитлар ривожланишига олиб келади (Baud D. Et al., 2020). Бу маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, қон томирлар эндотелийсининг тизимли зарарланиши фето-плацентар тизимда бузилишлар ривожланишига, йўлдошнинг оксидловчи стрессига олиб келиши мумкин ва натижада ҳомиладорликда кўплаб асоратлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда Абдуллаева Л.М. (2021), Ихтиярова Г.А. (2021), Махкамова И.М. (2021), Пахомова Ж.Е. (2021) ва бошқаларининг янги коронавирус инфекциясининг ҳомиладорлик ва туғруқ оқибатларига таъсирига оид тадқиқотлари диққатга совордир, аммо SARS-CoV-2 вируси яқинда кашф қилинганлиги, вирус ҳақида, унинг таъсири, шунингдек унинг онадан ҳомилага юқиш йўллари, касаллик ривожланиш хавф омиллари ва касаллик натижасида ўлим кўрсаткичи ҳақидаги маълумотлар етрали эмас. COVID-19 билан касалланган ҳомиладорлар ҳақидаги хабарларга таяниб тавсияномалар ишлаб чиқиш учун етарлича маълумотлар мавжуд эмас.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган акушерлик ва гинекология амалиётида ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизимининг функционал ҳолатини ўрганиш, COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш алгоритмини яратиш, асоратларни эрта ташхислаш ва даволашда янги даво усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларда она-йўлдош-ҳомила тизимининг функционал ҳолатини ўрганиш орқали ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 нинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечишига таъсирини аниқлаш;

ҳомиладорликнинг I, II ва III триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизими қон томирларининг фаолиятини баҳолаш;

ҳомиладорликнинг I, II ва III триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда қон томирлар эндотелийси ҳолатини, гемостаз тизими ва йўлдошдаги морфологик ўзгаришларни тахлил қилиш;

соғлиқни сақлаш амалиёти учун COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда асоратлар ривожланишининг хавф даражасини баҳолаш учун дастур ишлаб чиқиш;

олинган маълумотлар асосида ҳомиладорликнинг I, II ва III триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти перинатал маркази ва COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган туғруқ марказига мурожаат қилган 105 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва лаборатор текширувлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардобини, морфологик ва гистологик текширувлар учун йўлдош тўқимаси ва шунингдек ПЗР-текшируви учун бурун-ҳалқум ажралмалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, акушерлик, инструментал, морфологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечиши ва асоратларининг ривожланиши касаллик ўтказилган ҳомиладорлик триместри ва унинг оғирлик даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизими қон томирларининг ҳолати (резистентлик ва пульсацион индекслари, Эндотелин-1 кўрсаткичлари) ва гемостаз тизимидаги бузилишлар (D-димер, тромбоцитлар агрегацияси) билан касалликнинг клиник кечиши ўртасидаги тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк бор COVID-19 ўтказган аёлларда ривожланмаган ҳомиладорликка олиб келиш хавф омиллари шкаласини (аёллар ёши, ТВИ, акушерлик анамнези, ҳомиладорлик муддати, гемостаз тизими ҳолати, эндотелий функцияси ва касалликнинг оғирлик даражаси) қўллаш COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиш даражасини баҳолаш учун прогностик маркер эканлиги аниқланган;

илк бор ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришда она-йўлдош-ҳомила тизимидаги гемодинамиканинг ҳолатини тиклаш учун самарали терапияни танлаш тромбофилик асоратлар сонини камайтиришига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда асоратлар ривожланиш даражасини аниқлаш мақсадида фето-плацентар тизимида қон айланиш ҳолатини доплерография, гемостаз тизимида D-димер кўрсаткичи, тромбоцитларнинг агрегацион функцияси ҳамда Эндотелин-1 кўрсаткичларини комплекс баҳолаш ёндошуви тавсия этилган;

COVID-19 билан касалланган ҳомиладорлик муддати ва оғирлик даражасига асосланган ҳолда ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг даволаш-профилактик алгоритми ишлаб чиқилган;

ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда асоратлар ривожланишининг хавф омилларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган шкала диагностик ва прогностик мезон сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг даволаш-профилактикасига қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизимининг гемодинамик ҳолатига COVID-19 нинг таъсири механизмларини ёритиб бериш, ҳомиладорликнинг I, II ва III триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда қон томирлар эндотелийси, гемостаз тизими ҳолати ҳамда йўлдош морфологиясидаги ўзгаришларнинг касаллик келиб чиқишида ўрнини аниқлаш ва бу соҳада мамлакатимизда ўтказиладиган кейинги чуқур изланишлар учун асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фето-плацентар тизимнинг ва қон томирлар эндотелийсининг функционал ҳолатини аниқлаш бўйича тавсияларни асослаш, касаллик ўтказилган ҳомиладорлик муддати ва оғирлик даражаси билан боғлиқ равишда ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаш орқали юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш ва оналар ўлими кўрсаткичини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилоят Перинатал маркази бўйича 01.09.2022 йилдаги 128/1-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси бўйича 03.10.2022 йилдаги 58/1-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган.

Ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик даврида она-йўлдош-ҳомила тизимидаги ўзгаришлар оддий ва самарали текширув усули бўлган УТТ ва доплерография текшируви орқали аниқланиши ҳисобига 53 000 сўм иқтисод қилинган; асоратлар белгисини эҳосуратда ташхислаш учун нафақат акушер-гинеколог, балки неонатолог ва

терапевтлар томонидан аниқланади, яъни унга махсус малака оширган шифокорларнинг кераги йўқлиги исботланиб, ортиқча сарф харажатлар билан янги кадр тайёрлашни шарт эмаслиги ҳисобига давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда гемостаз тизимидаги бузилишлар эрта аниқланганда: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10,5 кундан 7,5 кунгача қисқартириб, шифохонадаги ётоқ кун миқдорини камайтирган; шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 130 000 сўм дори воситалари сарфланади).

Вирусли инфекциялар билан касалланган ҳомиладор аёлларни самарали ва безарар УТ ва доплерография текширувларидан ўтказиш 85 000 сўм иқтисод қилинишига хизмат қилган: эрта ҳомиладорлик даврининг 16 ҳафтагача (10-11 ҳафта - фетометрия), 19–21, 32–33, 38-40 ҳафталик муддатларида ўтказилди; ортиқча текширув усулларида фойдаланиш зарурати йўқлиги ҳисобига сарф харажатларни 23,5% каматириш имконини берган; гемостаз тизимидаги ўзгаришлар ва эндотелиал дисфункцияни тез, кам харажат ва самарали текширув усулларида фойдаланилиш ҳисобига эрта аниқлаш ҳомиладорларда кузатилиши мумкин бўлган асоратларнинг олди олиш орқали кўп харажатли ва кўп вақт талаб қилувчи текширув ва даволаш усуллари кўлламаслик ҳисобига 106 000 сўм иқтисод қилинган: коагулограмма 105 (100%) беморда аниқланди ва бу ўз навбатида вақтни тежаб, самарадорликни оширди; эндотелин-1 105 (100%) нафар беморда аниқланиб, самарадорликни 78,6% га оширган.

Бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош тизимида қон айланишининг функционал имкониятларини яхшилаш, вирусли инфекцияларни ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни комплекс таҳлил қилиш, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришда диагностика, профилактика ва прогностик тадбирларини такомиллаштириш COVID-19 ўтказган ҳомиладорлар аёлларда тирик, соғлом ва яшашга лайоқатли чақалоқлар туғилишига, оналар ўлими, перинатал ўлим даражасини камайтиришга эришилган, туғруқдан кейинги чилла даврида 43% аёлларнинг касалликдан кейинги реабилитациясига эътибор қаратилган, COVID-19 ни оғир шаклда ўтказган 23,8% аёлларнинг ҳаёт сифати яхшилانган.

«Ҳомиладорларда COVID-19 нинг она-ҳомила-йўлдош тизимидаги гемодинамиканинг ҳолатига таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2022 йил 9 ноябрдаги 4295-сонли хати юборилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 8н-з/679-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Янги коронавирус инфекцияси COVID-19: ҳомиладорликнинг кечишига ва она-йўлдош-ҳомила тизимига таъсири»** деб номланган **биринчи бобида** COVID-19 янги коронавирус инфекцияси муаммосининг долзарблиги ҳамда унинг она-йўлдош-ҳомила тизимига таъсири тўғрисида олимлар ва тадқиқотчиларнинг маълумотлари келтирилган. Ҳомиладорлик коронавирус билан зарарланган инсонлар орасида жиддий асоратлар ривожланиш хавфини оширувчи ҳолат ҳисобланиб, улар ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан кўпроқ интенсив даво чораларининг қўлланилишига, ўпканинг сунъий вентиляцияси аппаратлари уланилишига муҳтож бўлиб қолиши тавсифланган. Коронавирус инфекциясининг онада преэклампсия каби жиддий асоратларнинг, ҳомиланинг эрта йўқотилиши, муддатидан олдинги туғруқлар, шунингдек, ҳомиланинг ўлик туғилиши хавфини ҳам сезиларли даражада ошириши ёритилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** номли **иккинчи бобида** тадқиқотда қўлланган материаллар ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти COVID-19 бўлган ҳомиладорлар учун ихтисослаштирилган туғруқ марказида, шунингдек таҳлиллар Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси (бош врач Ким В.С.) ва «Happy Mama» шахсий клиникаси (директор Ким П.М.) лабораториясида, морфологик текширувлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасида

патологик анатомия бўлимида (бўлим мудирини PhD, доцент Жуманов З.Э.) ўтказилди.

Тадқиқотда 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган 155 нафар аёллар текширилди. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун барча беморлар икки гуруҳга ажратилди: асосий ва назорат (1- расмга қаранг).



1-расм. Тадқиқот материали

I – асосий гуруҳ 3 та кичик гуруҳларга бўлинди:

1a - ҳомиладорликнинг I триместрида COVID-19 ўтказган 35 нафар ҳомиладор аёллар;

1б - ҳомиладорликнинг II триместрида COVID-19 ўтказган 35 нафар ҳомиладор аёллар;

1в - ҳомиладорликнинг III триместрида COVID-19 ўтказган 35 нафар ҳомиладор аёллар;

II – назорат гуруҳини 50 нафар нисбатан соғлом ҳомиладор аёллар ташкил этди.


Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган ва илк текширувлардан сўнг ҳомиладорликни сақлаб қолган 58 нафар аёлларда ҳомиладорликнинг кейинги кечилиши ва туғруқни кузатдик. Бу беморлар кичик гуруҳларда қуйидагича бўлинди: 1a кичик гуруҳида 16 нафар (45,7%), 1б кичик гуруҳида 21 нафар (60%), 1в кичик гуруҳида 21 нафар (60%) аёллар ташкил этди.

COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва ҳомиладорлик триместри бўйича беморлар қуйидагича бўлинди:

ҳомиладорликнинг биринчи триместрида COVID-19 енгил даражаси билан 8 (22,9%) нафар; ўрта оғир даражаси билан – 20 (57,1%); оғир даражаси билан – 7 (20%) нафар бемор ташкил қилди;

ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида беморлар тегишлича бўлинди: 4 (11,4%), 20 (57,1%), 11 (31,4%);

ҳомиладорликнинг учинчи триместрида ҳам тегишлича: 7 (20%), 21 (60%), 7 (20%).



2-расм. COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва ҳомиладорлик триместри бўйича беморларнинг бўлинганлиги

Шундай қилиб, COVID-19 бўлган ҳомиладор беморларнинг ярмидан кўпроғи (58%) касалликнинг ўрта оғир даражасини, шунингдек ҳомиладор беморларнинг ҳар тўртинчиси (24%) COVID-19 нинг оғир даражасини ўтказган (2-расмга қаранг).

Беморларни текшириш усуллари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, акушерлик амалиётининг амалдаги клиник протоколлари доирасида клиник, лаборатор ва инструментал текширувларнинг анъанавий усулларидадан фойдаланилди.

Диссертациянинг «COVID-19 билан касалланишининг хавф омиллари, ҳомиладорларда клиник кечиши ва даволаш усуллари» деб номланган **учинчи боб**ида ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларнинг ижтимоий ҳолати, соматик, акушерлик ва гинекологик анамнези, фойдаланган контрацепция усуллари келтирилган.

1-жадвал


Асосий ва назорат гуруҳида текширилган аёлларнинг соматик касалликлари

Касаллик	Асосий гуруҳ (n=105) абс., (%)	Назорат гуруҳи (n=50) абс., (%)	χ^2	P	OR	ДИ мин	ДИ макс
Камқонлик	105 (100%)	15 (30%)	94,94	0,000	-	-	-

Семизлик	34 (32,4%)	2 (4%)	15,30	0,000	11,49	2,64	50,11
Сийдик чиқариш тизими инфекциялари	11 (10,5%)	1 (2%)	3,41	0,065	5,73	0,72	45,72
Веналарнинг варикоз кенгайиши	10 (9,5%)	1 (2%)	2,91	0,088	5,16	0,64	41,47
Нафас йўлларининг сурункали инфекцилари	5 (4,8%)	1 (2%)	0,10	0,753	1,44	0,15	14,21
Гепатобилиар тизим касалликлари	3(2,4%)	1 (2%)	0,10	0,753	1,44	0,15	14,21

Текширилган аёлларнинг соматик ва гинекологик анамнезини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги ҳомиладорларнинг назорат гуруҳига нисбатан соматик, акушерлик ва гинекологик жихатдан қониқарсиз эканлиги аниқланди. Асосий гуруҳдаги аёлларнинг барчасида темир танқислиги камқонлиги, деярли учдан бир қисмида семизлик ва ҳар ўнта аёлдан бирида веналар варикоз касаллигининг мавжудлиги ушбу аёлларда ҳомиладорлик фонида COVID-19 нинг янада оғирроқ кечиши учун хизмат қилган.

Тадқиқот давомида текширган ҳомиладорларда COVID-19 нинг кўп учрайдиган симптомлари: тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳолсизлик, қуруқ йўтал, таъм билиш ва ҳид сезишнинг бузилиши, тахикардия кабилар деярли ҳар иккинчи беморда учради. COVID-19 нинг оғир даражасини ўтказган ҳомиладорларда асосий клиник белгилардан: иситма ва тана ҳароратининг 38°C дан баланд кўтарилиши, ҳолсизлик 96% ҳолатда, нафас қисилиши 88% ҳолатда ва 1 нафар беморда (4%) полиорган етишмовчилик кузатилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Текширилган беморларда коронавирус инфекциясининг клиник белгилари.

COVID-19 билан госпитализация қилинган ҳомиладорлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган «COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар» (2021 йил, 8-таҳрир) асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Коронавирус инфекцияси бўлган ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизими» деб номланган тўртинчи бобида ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда она-йўлдош-ҳомила тизимидаги қон айланишининг ҳолатини ўрганиш мақсадида ултратовуш/доплер текширув усуллари ўтказилди. Бу текширишлар ҳомиладорликнинг 16 ҳафтагача (10-11 ҳафта - фетометрия), 19–21, 32–33, 38-40 ҳафталик муддатларида ўтказилди. Ҳомила-йўлдош қон айланишининг ҳолати систоло-диастолик муносабат (СДМ) ёрдамида аниқланди. Ультратовушли плацентография йўлдошнинг жойлашган локализациясини, унинг қалинлигини ва тузилишини аниқлаш орқали ўтказилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

COVID-19 бўлган беморлар ҳомиласининг 11-12 ҳафталик муддатдаги фетометрик кўрсаткичлари

Кўрсаткич/гурух	Асосий	Назорат	P
БПР	16,4±1,0	19,1±0,9	<0,05
КТР	7,5±0,6	8,3±0,6	>0,5
ДБ	8,3±0,6	10,5±0,7	<0,02

Илова: P – асосий ва назорат гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, COVID-19 ўтказган беморда ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ҳомиланинг ўсиши ва ривожланишида соғлом аёлларга нисбатан ишонарли фарқ аниқланмади. Аммо, биринчи триместрнинг охирида ўтказилган ултратовуш текширувида COVID-19 ўтказган ҳомиладорлар йўлдошининг тузилишида нормал ривожланишга қараганда сезиларли ўзгаришларни аниқладик, бу эса натижада 54,3% ҳомиладорларда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ва ривожланмаган ҳомиладорликга олиб келди. Бу аёлларда 16 ҳафтагача бўлган муддатда УТТ ўтказилганида 40% ҳолатда ҳомиладорликнинг биринчи триместри аномал кечганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлдик, бу ҳолат барча 14 нафар беморларда амнион бўшлиғининг кичрайганлигини билан намоён бўлди, бу эса назорат гуруҳига ($p < 0,5$) нисбатан ва ўз истаги билан ҳомиладорликни сунъий тўхтатган аёллар гуруҳига ($p < 0,05$) нисбатан ҳам ишонарли фарқ билан намоён бўлди. Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида кузатилган 5 (14,3%) нафар беморда хорионнинг юпқалашганлиги ва гипоехоген зоналар аниқланди, бу эса ўз навбатида яллиғланиш (хорионит) сифатида баҳоланди (4-расмга қаранг).



4-расм. Ультратовуш текшируви, бемор С., к/т № 116. Ташхис: Ҳомиладорлик 11-12 ҳафта. Ўткир COVID-19, ўрта оғир даражаси. УТТ да гипоехоген зоналар ва хорионнинг юпқалашгани.

Деярли 4 йил мобайнида давом этаётган пандемия сабабли коронавирус инфекциясининг оқибатларини чуқурроқ ўрганишнинг долзарблиги ошиб бормоқда, шу қаторда унинг ҳомиладорлар соғлигига ва фертил ёшдаги аёлларнинг репродуктив саломатлигига таъсири ҳам. Шу сабабли, COVID-19 ўтказган аёлларда ривожланмаган ҳомиладорликнинг (РХ) хавф омилларини аниқлаш дастурини ишлаб чиқдик (DGU №15692, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган, 26.03.22).

SARS-CoV-2 билан инфицирланган аёлларда РХ хавф омилларини аниқлаш дастурини жорий қилиш натижасида беморларга дори воситаларини тавсия қилишдан олдин чуқурлаштирилган текширувларни ўтказишнинг ва

кейинчалик динамикада кузатиш мобайнида қоннинг айрим лаборатор кўрсаткичларини аниқлаб боришнинг амалий аҳамияти асосланди.

Ушбу дастур пандемия шароитида ҳомиладор аёллар учун танланган даволашнинг хавфсиз усулларини объектив баҳолаш учун, ҳомиладор аёлларнинг аҳолини динамикада текшириб бориш учун мўлжалланган, шунингдек бу дастур мавсумий вирусли инфекциялар ривожланганида ҳам амалиётда қўлланилиши мумкин (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

<i>№</i>	<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>Асосий характеристикаси</i>	<i>Баллар</i>
1	Ёши	18 дан 34 ёшгача	0
		35 ёшдан катта	1
		18 ёшгача	2
2	COVID-19 кечиши	Енгил	0
		Ўрта оғир	1
		Оғир	2
3	Соматик патология (қўшимча)	йўқ	0
		Ошқозон-ичак тизими касалликлари	1
		Юрак қон-томир тизими касалликлари, қандли диабет	2
		Сурункали инфекция ўчоқлари	3
4	ТМИ	18-24	0
		25-30	1
		30 ва ундан юқори	2
5	Анамнезида ҳомила тушиши (шу қаторда ривожланмаган ҳомиладорлик)	1	1
		2	2
		2 ва ундан ортиқ	3
6	Анамнезида ҳомиладорликнинг сунъий тўхталиши	йўқ	0
		1-2	1
		2 ва ундан ортиқ	2
7	Анамнезида ПЭ/Э; НЖЙМК	йўқ	0
		бор	2
8	Тромбоцитларнинг умумий сони 1×10^9 /л	$180-310 \times 10^9$ /л	0
		$179-101 \times 10^9$ /л	1
		100×10^9 /л ва ундан кам	2
9	D-димер	Норма чегарасида	0
		Бироз ошган	1
		Сезиларли ошган	2
10	Протромбин вақти	3-6	0

		>6 сек	2
11	Фибриноген	2,6-5,6 г/л	0
		2,5-2,1 г/л	1
		2,0 г/л дан кам	2
12	ЭТ-1, фмоль/л	0,1-1,0	0
		1,1-2,0	1
		2,1 ва ундан ортик	2
13	СРО, мг/л	10 гача	0
		10-20	1
		20 дан ортик	2
14	Анемия	Гемоглобин >90 г/л	1
		Гемоглобин 71-90 г/л	2
		Гемоглобин < 70 г/л	3

Олинган маълумотлар асосида РХ келиб чиқишининг хавф даражаси баллар билан бахоланди, шу асосда COVID-19 пандемияси/мавсумий вирусли инфекциялар эпидемияси шароитида ҳомиладор аёлларни биринчи триместрда олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилди.

0-6 балл – РХ хавфи паст даражада. Махсус даволаш талаб этилмайди. Асосий касалликни стандарт асосида даволаш лозим.

7-15 балл – РХ хавфи ўрта даражада. Асосий касалликни стандарт асосида даволашга L-аргинин препаратлари ва ҳомилани сақловчи терапия кўшилади.

16 балл ва ундан юқори – РХ хавфи юқори даражада. Асосий касалликни стандарт асосида даволашга паст молекулали гепаринлар профилактик дозада (Клексан 0,4-0,6 т/о) 4-6 ҳафта давомида (препаратнинг дозаси касалликнинг оғирлик даражаси ва беморнинг вазнига боғлиқ) тавсия этилади. Шунингдек, ҳомиладорликни тўхтатишни ҳам тавсия қилиш мумкин.


Ўтказилган текширувлар натижасида 1а кичик гуруҳидан 14 нафар аёллар (13,3%) 16 ва ундан юқори балл олди, 91 нафар аёллар (86,7%) эса 6 ва ундан паст балл йиғди. Демак, биз ишлаб чиққан дастурнинг сезгирлиги 86,7% ни ташкил этди. Шунингдек, назорат гуруҳидаги 45 нафар (90,0%) аёллар 6 ва ундан паст балл йиғди, шу қаторда 5 нафар (10,0%) аёллар 7 ва ундан юқори балл олди. Демак, биз ишлаб чиққан дастурнинг махсуслиги 90,0% ни ташкил этди.

Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида COVID-19 билан инфицирланган 35 нафар аёлларда бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон айланиши.

Ултратовушли плацентография текширувида 20% (7) ҳомиладорларда йўлдошнинг муддатидан олдин етилиши аниқланди, бу ҳолат кўпроқ коронавирус инфекциясининг оғир даражасини ўтказган аёлларда кузатилди. 5,7% (2) ҳомиладорларда камсувлилик, 25,7% (9) эса кўпсувлилик аниқланди. Шу тариқа, ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида COVID-19 билан касалланган ҳолатларнинг аксариятида йўлдошнинг нормал эхографик

тузиши - 80% (28), ҳамда қоғонок сувларининг нормал миқдорда - 68,6% (24) бўлганлиги аниқланди.

Допплерометрик текширувларда COVID-19 ўтказган 19 (54,3%) нафар ҳомиладорларда бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон айланиши коронавирус инфекцияси билан касалланмаган аёлларнинг кўрсаткичлари билан ўхшаш эканлиги аниқланди, бунда ҳар икки гуруҳдаги ҳомиладорларда гемодинамик бузилишлар аниқланмади (5-расмга қаранг).



5-расм. Бачадон-йўлдош қон айланишининг доплерометрияси.

Бемор К. 25 ёш. Ташхис: Ҳомиладорлик 28 ҳафта, COVID-19, ўрта оғир даражаси. Бачадон артериясида ПИ ўнгдан 2,05 ва чапдан 1,21 (нормада ПИ 28 ҳафтада 1,06 гача)

Ушбу гуруҳдаги ҳомиладорларнинг бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон айланишининг доплерометрик текширувларида 45,7% (16) ҳомиладорларда бачадон артерияларида, спиралсимон артерияларда ва киндик артериясида қон томир қаршилиги кўрсаткичларининг юқорилиги аниқланди. Улардан 11 (31,4%) нафар бемор COVID-19 нинг клиник оғир даражаси, 5 (14,3%) нафари эса ўрта оғир даражаси билан касалланган.

Бачадон-йўлдош тизимидаги қон айланишининг кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

II гуруҳдаги беморларда бачадон-йўлдош қон айланиш тизимидаги қон томирлар резистентлиги кўрсаткичлари

Касаллик тури/кўрсаткичлар		Енгил (n=4)	Ўрта оғир (n=20)	Оғир (n=11)	P ₁	P ₂
Ўнг бачадон артерияси	Систоло-диастолик муносабат (СДМ)	2,61±0,10	2,92±0,12	3,05±0,15	<0,05	<0,02
	Резистентлик индекси (РИ)	0,52±0,03	0,61±0,02	0,62±0,03	<0,05	<0,02
	Пульсацион индекс (ПИ)	0,85±0,05	0,97±0,06	1,05±0,04	<0,001	<0,001
Систоло-диастолик муносабат (СДМ)		2,64±0,12	2,94±0,10	3,01±0,04	<0,05	<0,01

Чап бачадон артерияси	Резистентлик индекси (РИ)	0,54±0,03	0,64±0,04	0,68±0,04	<0,05	<0,01
	Пульсацион индекс (ПИ)	0,83±0,04	0,98±0,06	1,08 ±0,05	<0,05	<0,001
Спиралсимон артериялар	Систоло-диастолик муносабат (СДМ)	1,53±0,09	1,80±0,09	1,83±0,11	<0,05	<0,05
	Резистентлик индекси (РИ)	0,40±0,02	0,51±0,03	0,58±0,04	<0,01	<0,001
	Пульсацион индекс (ПИ)	0,55±0,03	0,67±0,04	0,68±0,03	<0,02	<0,01

Илова: P1 – энгил ва ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P2 – энгил ва оғир даражадаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги

4-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, инфекция жараёнининг оғирлик даражаси билан боғлиқ равишда қон томирлар қаршилиги сезиларли миқдорда кетма-кет ошган. Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда бачадон-йўлдош қон айланишининг барча текширилган параметрлари бўйича ўртача кўрсаткичлари ҳомиладорликнинг шу муддатига мос норматив кўрсаткичлардан ишонарли юқори эканлигини кўриш мумкин, касалликнинг оғир даражасини ўтказган беморларда эса - ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида инфекция жараён нисбатан энгил кечган беморларга нисбатан янада юқори эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, иккинчи триместрдаги беморларда коронавирус инфекциясига боғлиқ равишда она-йўлдош-ҳомила тизимидаги асосий гемодинамик ўзгаришлар, фақатгина вирусли инфекциянинг оғирлик даражаси билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, она организмнинг компенсатор имкониятларига ҳам боғлиқдир: биз текширган беморларнинг 54,3%да ҳомиланинг артериал ва веноз қон айланиши ўзгармаганлигини аниқладик. Аммо, шу гуруҳдаги кузатувларнинг 16 (45,7%) нафарида бачадон-йўлдош тизимидаги қон айланишнинг чуқур бузилишларини аниқладик, бу эса ўз навбатида 4 (11,4%) нафар беморларда ҳомиланинг антенатал ўлимига, 8 (22,9%) нафарида эса муддатидан олдинги туғруқларга ва яна 4 (11,4%) нафар аёлларда ҳомила ўсишининг чегараланиш синдроми ривожланишига олиб келди.

Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида COVID-19 билан инфицирланган 35 нафар аёлларда бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош қон айланиши.

Ультратовушли плацентографияда йўлдошнинг муддатидан олдин етилиши бу гуруҳдаги ҳар учинчи беморда 31,4% (11) аниқланди. Булардан 4 (11,4%) нафар ҳомиладор аёлда ҳомиланинг антенатал ўлими кузатилди, 5 та ҳолатда (14,3%) оғир преэклампсия қўшилган бўлса, яна икки ҳолатда (5,7%) ҳомиладорлик НЖЙМК билан асоратланди. Шундай қилиб, бу гуруҳда йўлдошнинг нормал эхографик тузилиши 65,7% (23) ҳолатда кузатилди.

Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида текширилган 35 нафар ҳомиладорларда доплерография ўтказилганида, инфекция жараёни энгил даражада ўтказган аёлларда бачадон-йўлдош ва ҳомила-йўлдош гемодинамикасининг ҳолати коронавирус инфекциясини ўтказмаган

хомиладорларнинг кўрсаткичларидан деярли фарк қилмади: бачадон артерияларининг резистентлик индекси $0,39 \pm 0,14$ ($p < 0,05$). Киндик артериясининг резистентлик индекси $0,51 \pm 0,18$ ($p < 0,02$) ташкил этди. Киндик артериясининг СДМ $2,15 \pm 0,12$ ($p > 0,5$) ташкил қилди.

Касалликни ўрта-оғир ва оғир даражада ўтказилганида ҳам ҳомилайўлдош, ҳам бачадон-йўлдош қон айланиш тизимида ўзгаришларни аниқладик (5-жадвал).

5-жадвал

Ив гуруҳ беморларининг хомила-йўлдош қон томирларида резистентлик кўрсаткичлари

Касаллик тури/кўрсаткичлар		Енгил (n=7)	Ўрта оғир (n=21)	Оғир (n=7)	P ₁	P ₂
Киндик артерияси	Систолю-диастолик муносабат (СДМ)	$3,82 \pm 0,2$	$4,08 \pm 0,28$	$2,28 \pm 0,18$	$>0,5$	$<0,001$
	Резистентлик Индекс (РИ)	$0,51 \pm 0,18$	$0,99 \pm 0,07$	$0,59 \pm 0,04$	$<0,02$	$<0,001$
	Пульсацион индекс (ПИ)	$1,53 \pm 0,04$	$1,97 \pm 0,12$	$1,95 \pm 0,15$	$<0,02$	$<0,001$
Киндик артериясининг терминал шохчалари	Систолю-диастолик муносабат (СДМ)	$2,1 \pm 0,18$	$3,22 \pm 0,17$	$4,05 \pm 0,17$	$<0,01$	$<0,001$
	Резистентлик Индекс (РИ)	$0,59 \pm 0,05$	$0,86 \pm 0,09$	$0,92 \pm 0,07$	$<0,001$	$<0,001$
	Пульсацион индекс (ПИ)	$1,39 \pm 0,02$	$1,61 \pm 0,09$	$0,99 \pm 0,08$	$<0,01$	$<0,001$
Ўрта мия артерияси	Систолю-диастолик муносабат (СДМ)	$4,87 \pm 0,21$	$4,99 \pm 0,25$	$1,56 \pm 0,1$	$>0,5$	$<0,001$
	Резистентлик Индекс (РИ)	$0,1 \pm 0,02$	$1,03 \pm 0,02$	$0,49 \pm 0,01$	$>0,5$	$<0,001$
	Пульсацион индекс (ПИ)	$1,51 \pm 0,09$	$1,82 \pm 0,09$	$0,46 \pm 0,01$	$>0,1$	$<0,001$
Аорта	Систолю-диастолик муносабат (СДМ)	$6,2 \pm 0,21$	$6,28 \pm 0,31$	$7,98 \pm 0,31$	$>0,5$	$<0,001$
	Резистентлик Индекс (РИ)	$1,11 \pm 0,02$	$1,19 \pm 0,04$	$0,67 \pm 0,05$	$>0,5$	$<0,001$
	Пульсацион индекс (ПИ)	$1,96 \pm 0,07$	$2,08 \pm 0,28$	$2,44 \pm 0,13$	$>0,5$	$<0,001$

Илова: P₁ – енгил ва ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P₂ – енгил ва оғир даражадаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги

Шундай қилиб, хомиладорликнинг учинчи триместрида COVID-19 билан зарарланган кузатувларнинг 65,7% да йўлдошнинг нормал эхографик

тузилишини аниқлаганимизга қарамасдан, ушбу беморларни доплерографик текширувида ҳомила-йўлдош ва бачадон-йўлдош қон айланиш тизимида сезиларли бузилишлар кузатилди, бу ўзгаришлар беморлар умумий аҳволининг оғирлиги билан боғлиқ равишда ёмонлашган, айниқса касалхонадан ташқари пневмонияси бўлган 2 нафар беморда. Натижада, фақатгина 15 (50%) нафар ҳомиладорларда туғруқ 37-38 ҳафталик муддатда содир бўлди. Кесар кесиш бу гуруҳдаги аёлларнинг 74,3% (26 нафарида) ўтказилди.

Коронавирус инфекцияси бўлган ҳомиладорларда гемостаз тизими ва эндотелин-1 ҳолати. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда ҳомиладорликнинг турли триместрларида коронавирус инфекциясини ўтказган ҳомиладорларда гемостаз тизими ва эндотелин-1 ҳолатини ўргандик.

COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган ҳомиладорларда гемостаз тизимининг барча кўрсаткичлари соғлом аёллар гуруҳи ва COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир даражасини ўтказган аёллар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ёмон эканлиги аниқланди. (қон ивиш вақти - $5,0 \pm 0,2$; МНО - $2,02 \pm 0,05$; фибриногена концентрацияси (г/л) - $5,9 \pm 0,3$; АЧТВ - $22,1 \pm 0,7$; тромбоцитлар миқдори - $152,7 \pm 4,8$; тромбоцитлар агрегацияси - $33,9 \pm 0,9$; D-димер - $1347,2 \pm 42,2$; Протромбин вақти - $5,8 \pm 0,3$ $p < 0,001$). Бу ҳолат тромбофилиянинг яққол даракчиси бўлиб, касалликнинг клиник кечишида – оғир преэклапсия, нормал жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши билан намоён бўлди. Бу гуруҳдаги барча беморларга қон кетиши ва тромбоз профилактикасининг носпецифик усуллари қўлланилиб, шошилиш равишда туғруқ ўтказилди. Туғруқдан кейин бу аёлларга антикоагулянтлар – кичик молекулали гепаринлар тавсия қилинди.

Эндотелин - 1 коронавирус инфекциясини ўтказган ҳомиладорларда.

Текширувлар 19 нафар COVID-19 нинг энгил даражасини ўтказган ҳомиладорларда, 61 нафар ўрта оғир ва 25 нафар оғир даражасини ўтказган ҳомиладорларда, ҳамда 50 нафар назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда ўтказилди (6-жадвал).

6-жадвал

Эндотелин-1 асосий ва назорат гуруҳидаги ҳомиладорларда (референс кўрсаткичи – 0,1-1,0 фмоль/мл; P)

Гуруҳлар/кўрсаткичлар	Эндотелин – 1 (фмоль/мл)	P
Соғлом ҳомиладорлар (n=50)	$0,86 \pm 1,14$	$>0,5$
COVID-19 энгил даражаси бўлган ҳомиладорлар (n=19)	$0,94 \pm 0,2$	$>0,5$
COVID-19 ўрта оғир даражаси бўлган ҳомиладорлар (n=61)	$2,5 \pm 1,1$	$<0,001$
COVID-19 оғир даражаси бўлган ҳомиладорлар (n=25)	$4,2 \pm 0,8$	$<0,001$


Илова: P – асосий ва назорат гуруҳидаги ҳомиладорлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончилиги.

